



Тахририятга
хатлар

БАДАЛ ҚИШЛОҒИ

Эмишки, Сохибқирон Амир Темур Шарқ мамлакатларидан келтирилган асирларни, гуноҳкор амалдорларни афв этиш бадалга ўша пайтлари дашт-чангалзор бўлган Обираҳмат ва Обимашҳад ариқлари атрофини обод қилишни буюрибди. Шохнинг амри бажарилган, муъжизагина кишлоққа Бадал номи берилган экан. Бундан тўксон йил муқаддам кишлоқнинг маърифатпарвар бойлари Қори Миршароф ва Султонбек Бадалда муҳташам номозгоҳ бунёд этган эдилар. Ҳозирда бу ерда байрамлар, сайллар, газалхонлик кечалари уюштириш анъана тусига кирган.

Абдусалом
МУҲАММАД,
Самарқанд вилояти.

СОҒЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ

Мисрнинг Қохира университети олимлари, жумладан биофизика фанлари профессори Фатхий Муҳаммад Али бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи 15 йил давомида уяли телефон микротўлиқни нурланишининг қон таначаларига таъсирини ўрганиб чиқишди ва шундай хулосага келишди: "Уяли телефондан чиқаётган нурланиш фақат қон таначаларининггина эмас, балки жигар, юрак ва орқа мия тўқималарини ҳам ишдан чиқарар экан. Боз устига, гармон безлари фаолияти бузилиши оқибатида одамнинг қариши тезлашиб кетади".

Гўзал МУРОДОВА,
Тошкент шаҳри.

ҚҮЛИМ ЁҚАМГА ЁПИШДИ

Яқинда хизмат юзасидан Навоий шаҳрига боргандим. Шаҳар кўчасидан кетаётсам рўпарамдан икки нафар аёл чиқиб қолди. Албатта, бунда бирор гайритабиийлик йўқ. Аммо улардан бири ногоҳонда менга сўз қотди:

— Ака, бир дам олиб кетмайсизми? "Зўр"ларидан бор.

Нима дейишни билмай, анграйиб ўтиб кетдим. Ортимдан уларнинг ҳақиқий мусулмон шекилли, — деган писандаси эшитилди.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

КИТОБ — ҚАЛҚОН

Бугун ОАВда, жумладан "Hurriyat" саҳифаларида ёритилаётган материалларни кузатиб бораётган киши китобхонлик, унинг мутолааси ва савдосига бағишланган чиқишлар етарли даражада эмаслигига гувоҳ бўлади.

Назаримда, ёшлар орасида китобхонликни кенг ва изчил тарғиб қилиш орқали биз бугун ечимини кутаётган талай муаммоларга чек қўйиш имконига эга бўлаемиз. Ёшларни четдан қираётган бузғунчи ахборотлардан, миллий қадриятларимизга ётунсур ва қарашлардан ҳимоя қилишда китобхонлик қалқон вазифини ўтайди.

"Hurriyat" газетаси бу борада пешқадамлик қилишига умид қилаемиз.
Парда БУХОРОВ,
Фарғона вилояти.

«ТОМОША» КЎПРИК

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларини дарё орқали узоқ йиллар боғлаб турган Чолишдаги фонтон кўприк ҳозирда ўта ночор аҳволга тушиб қолган. Тўғри, янгиси қурилаяпти. Аммо унинг битишига ҳам ҳали вақт бор-да. Фонтонлар нотекислигидан тугаш жойларда одам сизгадиган ёриқлар пайдо бўлган. Яқинда бир эшак ана шу ёриққа тушиб кетди. Роса икки центнер тош босадиган жониворни тортиб олишнинг ўзи бўлмади.

Рўзимбой ҲАСАН,
Қорақалпоғистон
Республикаси.



"Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси

*Эзгу тилагимиз шуки,
2009 йил — Қишлоқ
тараққиёти ва
фаровонлиги йили
юртимизга янада
ободлик, ривожланиш
олиб келсин. Халқимиз
дастурхонидан қут-
барака аримасин.
Азиз юртдошлар!
Ўзбекистон —
барчамиз учун
муқаддас Ватан.
Унинг келажаги
порлоқ, эртаси
бугунгидан-да нурли
бўлиши учун ҳар биримиз
хайрли ишларни амалга
оширишимиз кераклигини
унутмайлик!*



